




# ТОШКЕНТ



# ОҚШОМ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 38 (9.535) 2001 йил 2 апрель, душанба Сутувда эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСКА САҲИФАДА

□ **ШАЙХОНТОХУР** туманидаги Маннон Уйғур номли маҳалла фуқаролари жорий йилда хайри ишга қўл уришди. Янги маҳаллада 2,5 минг туп мевали-манзарали кўчатлар экилдиги, ўзига хос боғ барпо этилди.

□ **ХЛЕБУШКИНА** номидаги 22-Меҳрибонлик уйда хайрия тadbири ўтказилиб, унда иштирок этган тарбияланувчилар ўзлари тиккан тикуччилик маҳсулотлари кўргазмасини устозларига намойиш этишди.

□ **РЕСПУБЛИКА** Байналмилал маданий марказида Ар-

ман миллий маданий маркази ташаббуси билан машҳур рақоса, халқ артисти, эл суйган санъаткор Тамарахоним таваллудининг 95 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди.

□ **МИРОБОД** тумани Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан Тошкент Давлат авиация ҳамда Тошкент автомобиль йўллари институтларида «Ёшларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни» мавзусида анжуман ўтказилди.

□ **ОНАЛАР** ва болалар йили муносабати билан Миробод туманидаги Олтинқўл, Сарикўл, Миробод, Файзабод, Фитрат номли маҳалларда, «Тошкент Универсиада» жамоасида, Халқаро Почтамт таш-

килоти ҳамда «Марказ ёғ» бирлашган акциядорлик жамиятларида туман Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан «Оила — жамият пойдевори», «Соғлом фарзанд — оила мустақамлиги» мавзуларида анжуманлар бўлиб ўтди.

□ **МИРОБОД** тумани ҳокимлиги, Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорликда «Сийёсий-ҳуқуқий клуб мулоқотлари» шiori остида яқинда Шароф Рашидов номли маҳаллада «Ёшларнинг тарбиясида соғлом турмуш тарзининг роли» мавзусида ўтказилган семинарда қатнашган зиёлилар ва тарихчи олимлар ёшларнинг ҳуқуқий билиминини ошириш масалалари хусусида мулоқот ўтказишди.

## Президент Ислон Каримовнинг китоби — поляк китобхонларига

Бугунги кунда Президент Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби бир қанча тилларга таржима қилиниб, жаҳоннинг ўнлаб давлатларида чукур ўрганилмоқда. Эндиликда польшалик китобхонлар ҳам мазкур асар билан танишиш имконига эга бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу асари Варшава университетининг Сийёсатшунослик фанлари институти сийёсат психологияси марказида халқаро тадқиқот дастури асосида Дорота Мушинска-Волни томонидан поляк тилига ўғирилди. Нашр «Хозирги Марказий Осиё» махсус китоблар туркумида «Сийёсий раҳбарлар» лойиҳаси доирасида амалга оширилди. Китоб Варшава университетиининг Сийёсатшунослик фанлари институти «Политея» жамғармаси ёрдамида «Елисса» нашриётида чоп этилди.

Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган нашрини тайёрлашда таникли олим ва муҳаррирлар Тадеуш Бодио, Адам Войташк, Войцех Якубовски иштирок этди.

Ислон Каримовнинг мазкур китобида чет элда қизиқиш катталигининг боиси шундаки, унда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мақсад ҳамда вазибалари аниқ баён қилинган ва асослаб берилган. Утган аср-охирда дунё харитасида мустақил ривожланиши ва ижтимоий муносабатларни янгилаш йўлига қадам қўйган янги суверен давлатлар пайдо бўлди. Шу сабабли Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган ислохотлар сийёсатига катта қизиқиш билан қаралмоқда. Зеро, давлатимизнинг қишларга мунособи турмуш шароитини яратиб бериш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қодир замонавий бозор иқтисодиётига эга демократик ҳуқуқий давлат қуриш борасидаги тажрибаси — жуда ноёб. Тарихан қисқа даврда жамият ҳаётининг ижтимоий-сийёсий ва иқтисодий соҳаларида улкан ютуқларга эришилди, бунга юртимиз меҳмонларини ҳам ишонч ҳосил қилмоқда. Кейинги йилларда

Ўзбекистон халқаро ҳўжалик муносабатларининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди, оламшумул муаммоларни ҳал этишда ўзининг эътиборли фикрига эга.

Бироқ ислохотлар ва янгилашни йўли раво ва машаққатсиз эмас. Президент Ислон Каримов ўз китобида таъкидлаганидек, ҳозирги пайтда тибилик ва барқарорликни сақлаб қолишда янги мустақил давлатлар хавфсизлиги ва барқарор ривожланиши муаммолари катта аҳамият касб этмоқда. Қандай қилиб хавфсизликни сақлаб қолиш, барқарорликни таъминлаш ва тараққиёт йўлидан собитқадам ривожланишга эришиш мумкин? Бу саволларнинг барчасига давлатимиз раҳбарининг китобида батафсил жавоб топиш мумкин. Унда Ўзбекистон халқи мустақиллик йилларида эришган ютуқлар ҳар томонлама таҳлил қилинибгина қолмай, ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида юзага келадиган муаммоларнинг ечимини топишга доир аниқ, пухта тавсиялар, XXI асрда жамиятимиз ривожланишининг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

«Ўзбекистон XXI аср бўсағида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби 1997 йилда дунё юзини кўрди. Китобда муҳокама этилган масалаларнинг нечоғли долзарблигини унинг турли давлатлар ва турли тилларда нашр этилаётгани ҳам тасдиқлайди. Маълумки, ушбу китоб асосида мамлакатимиз ҳужжатли кино усталари фильм яратишмоқда, унинг беш қисми экранларга чиқарилиди. Фильм Бельгия, Буюк Британия, Германия, Хиндистон, Россия, Франция каби давлатларда намойиш этилди. Хабар қилинганидек, яқинда Америка Қўшма Штатларининг Вашингтон ва Нью-Йорк каби йирик шаҳарларида фильмнинг учинчи қисми тақдими ўтказилди. У барча жойда улкан асар сифатида қабул қилинмоқда. Юртимиз жаҳонга юз тутмоқда ва мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилишни истовчилар ҳам тобора кўпаймоқда.

Китобнинг Польшда нашр этилиши Ўзбекистонни бу мамлакатга таништиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**А. ИВАНОВА,**  
**ЎзА мухбири.**

Ўзбекистон халқаро ҳўжалик муносабатларининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди, оламшумул муаммоларни ҳал этишда ўзининг эътиборли фикрига эга.

Бироқ ислохотлар ва янгилашни йўли раво ва машаққатсиз эмас. Президент Ислон Каримов ўз китобида таъкидлаганидек, ҳозирги пайтда тибилик ва барқарорликни сақлаб қолишда янги мустақил давлатлар хавфсизлиги ва барқарор ривожланиши муаммолари катта аҳамият касб этмоқда. Қандай қилиб хавфсизликни сақлаб қолиш, барқарорликни таъминлаш ва тараққиёт йўлидан собитқадам ривожланишга эришиш мумкин? Бу саволларнинг барчасига давлатимиз раҳбарининг китобида батафсил жавоб топиш мумкин. Унда Ўзбекистон халқи мустақиллик йилларида эришган ютуқлар ҳар томонлама таҳлил қилинибгина қолмай, ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида юзага келадиган муаммоларнинг ечимини топишга доир аниқ, пухта тавсиялар, XXI асрда жамиятимиз ривожланишининг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

«Ўзбекистон XXI аср бўсағида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби 1997 йилда дунё юзини кўрди. Китобда муҳокама этилган масалаларнинг нечоғли долзарблигини унинг турли давлатлар ва турли тилларда нашр этилаётгани ҳам тасдиқлайди. Маълумки, ушбу китоб асосида мамлакатимиз ҳужжатли кино усталари фильм яратишмоқда, унинг беш қисми экранларга чиқарилиди. Фильм Бельгия, Буюк Британия, Германия, Хиндистон, Россия, Франция каби давлатларда намойиш этилди. Хабар қилинганидек, яқинда Америка Қўшма Штатларининг Вашингтон ва Нью-Йорк каби йирик шаҳарларида фильмнинг учинчи қисми тақдими ўтказилди. У барча жойда улкан асар сифатида қабул қилинмоқда. Юртимиз жаҳонга юз тутмоқда ва мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилишни истовчилар ҳам тобора кўпаймоқда.

Китобнинг Польшда нашр этилиши Ўзбекистонни бу мамлакатга таништиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**А. ИВАНОВА,**  
**ЎзА мухбири.**

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

### Бешинчи Тошкент савдо-саноат ярмаркасини ўтказиш ҳақида

Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатувчи корхоналар, қўшма ва чет эл корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини аниқлаш ва уларни кенг тарғибот қилиш, шунингдек чет эл фирмалари таклиф этаётган маҳсулотлар ва экспорт бозори талабларини ўрганиш, янги ишлаб чиқариш алоқаларини ўрнатиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Бешинчи Тошкент савдо-саноат ярмаркасини ўтказиш ҳақида»ги фармойиши қабул қилинди.

Унга мувофиқ Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Иқтисодиёт ва статистика бош бшқармаси, Тошкент шаҳар Давлат мулкчилигини бошқариш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ва Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарув-

лаш ва ўтказиш ташкилий қўмитаси ҳайъати таркиби ва Низом тасдиқланди.

Ташкилий қўмита ярмаркани ўтказиш жойи, Дастури ва харажатлар сметасини ўн кун ичида ишлаб чиқиб тақдим этиши керак.

Тошкент шаҳри туманлари ҳокимлари зиммасида ўн кунлик муддат ичида иштироки корхоналарни танлаш ва уларнинг экспозицияларини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳларини ташкил этиш топширилди.

Ярмарка дирекциясининг ташкилий ишларини мувофиқлаштириш Тошкент Халқаро Бизнес Марказига топширилди.

□ **Марат КАМОЛОВ,** «Оқибат» маҳалласининг оқсоқоли:  
— Бугун бир гуруҳ маҳалладошларимиз ўз фарзандлари, неваралари билан биргаликда ҳашарга чиқиб, «Ях-

чилар ва тadbиркорлар палатасининг 2001 йил 25-28 апрелда «Бешинчи Тошкент савдо-саноат ярмаркасини ўтказиш ҳақида»ги таклифи қўллаб-қувватланди.  
«Бешинчи Тошкент савдо-саноат ярмаркасини тайёр-

## ОБОДОНЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

### Миллий боғ чирой очаётир

Шанба куни эрталабдан карнай-сурнай садолари янграб Алишер Навоий номидаги Миллий боғда умумхалқ ҳашари бошланганидан дарак берди.

Чилонзор, Яққасарой, Миробод, Ҳамза туманларининг фаол аёллари, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари бу ҳашарда бажонидил иштирок этиб 200 дан ортиқ мевали дарахт кўчатларини ўтқаздилар.



— 400 дан ортиқ киши қатнашган бу ҳашар Миллий боғимизни янада обод ва файзли оромоғга айлантириш мақсадида уюштирилди, — дейди Чилонзор тумани ободонлаштириш бошқармасининг бош агрономи Гулсара Раҳмонова. — Оналар ва болалар йили, Улуғ байрамимиз — Мустақилликнинг 10 йиллигида 2,5 гектар ерда боғ яратиб, келажак авлодга ўзимиздан бир яхши из қолдирмоқчимиз.

Яққасарой туманидан келган Зухраҳон Ризаева набиралари Бобур Ризаев, Ҳамза туманидан Наргиза Султонбекова, Умида Соипназарова, Наргиза Азимова, Гулшола Яққабоеваларнинг меҳр билан ўтқазган мевали — олча, гўлос дарахтлари келажакда ширин мевалар беришига ишончимиз қомил.

Ҳашар охирида болажонлар учун музқаймоқлар тарқатилди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**  
**СУРАТЛАРДА: ҳашардан лавҳалар.**

## Зиёратгоҳ янада кўркам ва обод бўлмоқда

Мустақиллигимиздан кейин ўтган қисқа давр ичида шаҳримизда жуда кўплаб бири-биридан жозибали, ноёб ва замонавий иншоотлар, боғлар, дам олиш масканлари қад кўтарди. Жумладан Юнусобод туманидаги мустақил тузум давридаги қатагон сийёсати оқибатида юртимизнинг фидойи, ватанпарвар асл фарзандлари қатл этилган жойда бундан бир йил муқаддам улғувор қад ростлаган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг алоҳида ўрин тутуши табиийдир.

нинг айнан кўнглидаги иш бўлди. Зеро, қатагон қилинган А.Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Элбек, Боту каби миллатимиз зиёлиларининг пок хотираларини қанчалик эъзозласак, эътиром айласак, шунчалик оз.

Сўлим Бўзсўв дарёси бўйидаги ушбу зиёратгоҳ ҳамшаҳарларимиз ўз оила аъзолари билан келиб мароқли ҳордиқ чиқарадиган, шаҳидлар хотираси учун тиловат қилиб улар руҳи покига бахшида қиладиган ажойиб қадамжого айланди.

□ **Рустам ЭРГАШЕВ,** «Кулолқўрғон» маҳалласи оқсоқоли:  
— Ҳар бир байрамда маҳалладошларимиз билан бу ерга келиб уни орасталаш, ободонлаштириш ишларида қатнашиб тураемиз. Бу гал ҳам маҳалламиз аҳли зиёратгоҳга ўттиз туп мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтқазди. Бинобарин, ушбу хушманзара масканни қанчалик обод қилсак, ҳамшаҳарларимизнинг қўнғили ҳордиқ чиқаришлари учун шунчалик кўп шарт-шароитлар яратилади...

...Шу кунги ҳашарда юнусободликлар беш юз тупдан ортиқ дарахт кўчатларини экишти, мавжуд дарахтларга шакл бериб зиёратгоҳни орасталашди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**  
**СУРАТЛАРДА: «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида.**  
**Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.**

«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг очилганига бир йил бўлиши арафасида — юртимизда Наврўзи олам ўзининг бутун файзи ва шукунини намоеён қилаётган чоғда — ўтган шанба куни Республика «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси, Юнусобод тумани ҳокимлиги ва «Ватанпарвар» ташкилотининг ташаббуси билан яна бир хайри ва эзгу ишга қўл урилиб туман аҳолиси иштирокида зиёратгоҳда ободонлаштириш ҳашари ўтказилди. Эрта тонгданги файзли зиёратгоҳда Юнусобод туманидаги барча элликта маҳалла аҳолиси ободонлаштириш ишларини бошлаб юборди. Ҳамма хуш кайфият ва яхши ниятлар билан кенг ва файзли мажмуа ҳудудига мевали ва манзарали дарахтлар кўчатларини ўтқазди бошлади. Биз айрим ҳашар иштирокчиларининг дил сўзларини қоғозга туширдик.

□ **Марат КАМОЛОВ,** «Оқибат» маҳалласининг оқсоқоли:  
— Бугун бир гуруҳ маҳалладошларимиз ўз фарзандлари, неваралари билан биргаликда ҳашарга чиқиб, «Ях-

қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Навбахор» — «Металлург» 1:0, «Сурхон» — «Дўстлик» 4:2, «Насаф» — «Кимёгар» 5:2, «Бухоро» — «Зарафшон» 2:1, «Кизилқум» — «Турон» 1:0, «Нефтчи» — «Трактор» 5:1, «Андижон» — «Академия» 0:0, «Самарқанд-Динамо» — «Сўғдиёна» 2:0.

**ЭРТАГА**  
Навбатдаги тўртинчи тур учрашувлари бўлиб ўтади. Унда «Пахтакор» Наманганда «Навбахор» жамоаси меҳмони бўлади.

**Анвар ЙЎЛЧИЕВ**

## XXI сағоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

□ **Ўзбекистон Республикаси** Вазирлар Маҳкамасида Маърифий ва мафсуравий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш республика кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзтелерадиокомпанияси ҳузуридаги махсус бадий кенгаш, «Ўзбекино» Давлат акционерлик компанияси бадий ҳайъати фаолияти ва Наманган вилоятида маънавий ва маърифий тарғибот ишлари батафсил муҳокама этилди.

□ **Илгари хабар берилганидек,** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида матбуот хизматлари раҳбарларининг малакасини ошириш, уларни ҳорижий ҳамкасблар тажрибаси билан таништиришга бағишланган семинар-тренинг ўз ишини якунлади. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати ва АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан ташкил этилди.

□ **Олий Мажлисининг** Оила ва аёллар муаммолари комиссияси БМТнинг Аҳолишунослик бўйича жамғармаси (ЮНФПА), ЮНЕСКО ва Республика хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда «Соғлиқни сақлаш, репродуктив саломатлик ва гендер масалалари борасидаги ислохотларни сийёсий ва оммавий нуқтаи назардан қўллаб-қувватлаш» қўшма лойиҳаси доирасида Ўзбекистон репродуктив саломатлик борасидаги масалаларга Олий Мажлис депутатларининг эътиборини қучайтириш мавзусида ишчи семинар бўлиб ўтди.

□ **Ўзбекистон Республикаси** Прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги воғга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда мазкур комиссия аъзолари, шунингдек, вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги воғга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ҳамда ички ишлар идоралари нозирликлари томонидан амалга оширилган ишларни ўрганиш ва мазкур вилоятларда воғга етмаганларнинг ўз жонларига қасд қилиши ҳодисаларининг олдини олиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш, аҳолини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

□ **Ўзбекистон** Фанлар академиясида республика Табиғий муҳофазат қилиш Давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган «Ғарбий Тянь-Шань ҳудудида биологик хилма-хилликни асраш» мавзусидаги анжуманда инсон саломатлиги кўп жиҳатдан атроф-муҳитнинг покизалиги, табиатнинг мусоффолигига боғлиқлиги ҳақида гап борди.

□ **Марказий** банкда банklar билан мижозлар ўртасидаги шартнома муносабатларини янада яхшилашга бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси, Марказий банк, Адлия вазирлиги, Олий ҳўжалик суди ҳамда республика тижорат банklarининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари иштирок этишди.

### Жаҳонда

□ **Кеча** Москванинг Эрмитаж боғида Биринчи апрель қишлоғи очилди.

□ **31 март** куни Грузия ўзининг миллий байрами — мустақиллик кунини нишонлади.

□ **Болгария** ҳукумати Россия, Украина ва Грузия фуқаролари учун виза режими 1 октябргача бекор қилганлигини эълон қилди.

□ **Кеча** Британия вазирлар маҳкамаси оқсил касаллиги эпидемияси тарқалиши муносабати билан 2004 йилгача гўшт экспортини қисқартириш ҳақида қарор қилганлигини билдирди.

□ **Кеча** Япониянинг Осака шаҳрида Голливуд фильмлари қатнашчилари иштирокида очилган мавзулар боғи учун 1 миллиард доллар сарф этилди.

□ **Кеча** Югославиянинг собиқ президенти С. Милошевич ҳибсга олиниб, Белграднинг марказий қамоқхонасига ҳойлаштирилди. Югославия маъмурилари уни ҳокимият ва коррупцияга қарши ваколатини суиестемол қилишда айблаган.

□ **Мисрининг** Эль-Файон вилоятида юк машинаси билан йўловчилар автобуси тўқнашуви натижасида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси туфайли 6 киши ҳалок бўлди, 15 киши эса оғир тан жароҳати олди.

□ **Яқин** ҳафта ичида ерга нисбатан қуёш радиациясининг қучайиши кўтилмоқда. Бу ҳолат кўпроқ шимол ва жанубий зоналарда кузатилади.

□ **Кеча** Шри-Ланка пойтахтининг шимоли-ғарбида ўтказилаётган мусиқа шоуси пайтида қучли портлаш рўй берди. Ушбу фожиа натижасида тахминий ҳисобларга кўра, 6 киши ҳалок бўлиб, 150 киши тан жароҳати олган.

□ **Кеча** Шанхайда шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича оммавий кампания бошланди.

□ **Кеча** Исроилда сўнгги уч ой мобайнида иккинчи марта муниципал ишчи ва хизматчиларининг иш ташлаши бўлиб ўтди.

□ **Кеча** Францияда «Музейлар баҳори» байрами бошланди. Шу муносабат билан мамлакатнинг барча музейларига кирувчиларга бепул хизмат кўрсатилди.

□ **Бугун** Сан-Маринода миллий валютанинг сўнгги намунаси муомалага киритилди.

□ **«Ауди»** концерни дизель ёнилиғи билан ҳаракатланувчи автомобилларнинг энг қулай хусусини яратди. Янги моделдаги машина 100 километр йўл босиш учун 2,5 литрдан сал кўпроқ ёнилғи сарф қилади.

□ **Кеча** Одессада 28-кулги кўни очилди. **Бугун** «Олтин Ганс» телевизион кўрсатувлари бўйича Бутунукраина кулги танловига якун ясалди.

□ **Кеча** АҚШ ёзи мавсумга ўтди.

## ФУТБОЛ

### Ғалаба келтирган гол

Колган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Навбахор» — «Металлург» 1:0, «Сурхон» — «Дўстлик» 4:2, «Насаф» — «Кимёгар» 5:2, «Бухоро» — «Зарафшон» 2:1, «Кизилқум» — «Турон» 1:0, «Нефтчи» — «Трактор» 5:1, «Андижон» — «Академия» 0:0, «Самарқанд-Динамо» — «Сўғдиёна» 2:0.

**ЭРТАГА**  
Навбатдаги тўртинчи тур учрашувлари бўлиб ўтади. Унда «Пахтакор» Наманганда «Навбахор» жамоаси меҳмони бўлади.

**Анвар ЙЎЛЧИЕВ**



**Инсон учун одамларга қилинган яхшилик ва эзгу ишларнинг эътирофи айтилишидан ортиқ бахт борми, дунёда! Файзли кечада сўзга чиққанларнинг ҳаммаси Абдуллажон ака шайнига, унинг оиласи шайнига жуда илқ фикрлар билдирди.**

**Бинобарин Абдуллажон ака бугун айтилаётган бундай мактуб сўзларини ўзининг етмиши беш йиллик умри мобайнида кўп бора эшитган. Лекин ҳар гал эшитганида яна ҳам сидқидилдан хизмат қилишни, одамларнинг дардига дармон бўлишни ўзида туяди...**

Унинг умр дафтари саҳифаларини варақласангиз чин дилдан бажарилган бундай хайрли хизматлар ҳақида кўплаб ҳикояларнинг шоҳиди бўласиз. Келинг, энди ана шундай ҳикоялардан баъзиларига қўлоқ тутаёлик.

...Иккинчи жаҳон уруши жангдошларида, 2-Украина fronti аскарлари қаторида мардик ва жасорат кўрсатган Абдуллажон Ортиқбоев юртига қайтгандан кейин бутун умрини ҳарбий хизматга бағишлади. Тартиб-интизомга риоя қилиш унинг қон-қонига сингиб кетган фазилат бўлгани боис салкам олтинчи йиллик хизмати давомида фақат олқини олди, фақат мукофотларга лойиқ деб топилди. Тақдирларан ўттиздан зиёд орден ва медаллари қаторида бир қатор хорижий давлатларнинг ҳам юксак мукофотлари бор.

...Ушанда Янги йил кечаси эди. Қалди-қоматиға ярашқиди ҳарбий кийимдаги Абдуллажоннинг нигоҳи дугоналари ничда ял-ял ёниб турган, шаҳдо кўзи Шохсанамга тушди-ю бир зумнинг ўзида «Ошиқ Фариб ва Шохсанам» драматизацияси ошиқнинг ҳолига тушди. Севги, муҳаббат ботида, ўзига садоқатли умр йўлоши ташлашда у ҳарбий тил билан айтганда ажойиб «тактик» маҳоратини ишга солиди: гўзал, доно ва оқила Шохсанам билан ўз ҳаётини бирга боғлади. Шунга ҳам эллик йилдан ошиб кетибди. Олтин тўйлари куни улар шайнига шунчалар кўп самимий ва илқ сўзлар айтилдики, асти қўявераси.

...Бир куни у зарур юмуш билан туман идораларидан бирига борди. Уч дақиқага мўлжалланган бу учрашув бир соат давом этди. Абдуллажон ака айтиб бераётган воқеалар, унинг форе, ўзбек ва рус тилларида гоҳ Жомийдан, гоҳ Саъдийдан, гоҳ Умар Хайёмдан, гоҳ Алишер Навоийдан ёлдан ўқиган газалларига гоҳ мафтун бўлган раҳбар генерал билан яна бир бор учрашиш, унинг бундай мароқли гапларидан баҳра олиш орузида эканлигини айтди.

Худо томонидан инъом этилган бундай хотира ва иктидорни Абдуллажон ака оналари Саодатбону, оталари Ортиқбойдан олганлигини фахр билан айтишни қанда қилмайди. Ешилганда эшитиб, умр бўйи ёд бўлиб қолган «Гуруғли», «Алломиш», «Кунтуғмиш» достонларидан, шериатнинг буюк даҳолари ижодидан ҳозир ҳам парчаларни айтиб беради.

...Қалби шериатта, қўшиққа ошно бўлган одам доимо эзулиқ, яхшиликка интилади. Абдуллажон ака ҳам шундай — доим эзулиққа, одамларга меҳр-муруват кўрсатишга интилади. Унинг ана шу хислатлари маҳалла оқсоқолигига сайланганидан кейин айнакча ёрқин намоен бўлди. Мустақиллик шарофати билан маҳаллаларга кўрсатилаётган эътибор боис Ватан ичра Ватан бўлган бундай гўшаларда одамлар ташвиши билан яшаш, уларнинг муаммоларини ечиш, дардиға дармон бўлишдек юмушларни бажаришда ҳормай-толмай меҳнат қилаётган оқсоқол маҳаллада кўпдан кўп хайрли ишларга бош-қош бўлиб келяпти. Кам таъминланган, 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга, икки ёшгача фарзанд тарбияси билан шугулланувчи оналарга нафақалар тайинлаш масаласида ҳалоллик ва адолат устувор бўлишини доимо уқтиради. Чунки оқсоқол оиласининг ўзида ҳам турмушининг ана шундай томонларига тўла риоя қилинади. Келинг, шу ўринда унинг тотув оиласи ҳақида ҳам сўзлашайлик. Рафиқалари Шохсанам ая — уй бекаси, қизлари Санамжон ҳам ота изидан кетган, неваралари Темуражон бобосидек келгусида генерал бўлмоқчи — ҳозир у Тошкент чегара қўшинлари олий билим юртида ўқимокда. Нарғиза эса Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг талабаси, кичик Абдуллажон эса мактаб ўқувчиси. Хуллас, ҳавас қилса, ўрناق олса арзийдиган оила...

...Уша куни, яъни маҳалла оқсоқоли таваллуд топган кунининг етмиш беш йиллигида файзли дастурхон атрофиға тўпланганлар орасида бошқа жойлардан келган азиз меҳмонлар бор эди. Уларнинг ҳар бири генерал ҳақида тўлиб-тошиб гапирдилар. Шулардан бири эса бундай деди:

— Кўшни давлатларда генераллардан сайланган губернаторлар борлигини биламиз. Лекин Ўзбекистон деб аталмиш келажоги буюк давлатиниғиздаги маҳаллаларга раислик қилаётганлар орасида Абдуллажон Ортиқбоев ягона генерал-оқсоқол бўлганлиги билан ҳар қанча фахрлансангиз арзийди...

Бошқа жойдан келган меҳмоннинг бизларга ҳаваси келиб айтган бу сўзлари гоҳат ибратлидир. Дарҳақиқат, Абдуллажон Ортиқбоев пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги илгор Амир Темуражон маҳалласининг генерал-оқсоқоли бўлиб, эндиликда ҳарбий хизмат чоғида тўпланган бой тажрибаларини тиниб-тинчимасдан маҳалла масалаларини ҳал этишга татбиқ этмоқда.

— Одамлар хизматида бўлишнинг ўзи бахт, шу хизматларнинг эътирофи эдилса, боз устига Ватаннинг юксак мукофоти билан тақдирланса бошинг осмонга етар экан, — деди маҳалла оқсоқоли. — Каминанинг хизмати мустақил юртининг «Жасорат» медали билан тақдирлангани кўчимга куч қўшаверади. Шу ўринда дилдаму тугиб юрган бир гапни айтмоқчиман. Жаннатмақон юртимиз ҳур ва эркин бўлгандан кейин муҳтарам Юртбошимиз томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ишларни дунёнинг ҳар қайси бурчағида учратмайси. Президентимизнинг юртимиз вилоятлари ва шаҳарларига ташриф буюрганларида оддий одамлар билан дилдан сўхбатлашиб, уларнинг сўзларини диққат билан тинглаганларини кўрганимиз.

**Истиқлол — менинг тақдиримда**

## Умр мазмуни



да кўнглим бениҳоя фахр ва ифтихор туйғуларига тўлиб-тошади. Бинобарин давлат раҳбарининг ёши улуг инсонлар, нурунийлар билан фикрлашиб, масалаларни иш тутишида хосият ниҳоятда катта. Каминга ҳам бундан икки йил муқаддам пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида Президентимизнинг ташаббуслари билан бунёд этилган Мотамсаро ана ёлгорлик мажмуининг тантанали очилиш маросимида Юртбошимиз билан ёнма-ён юриб, уларнинг доно фикрларини, дил сўзларини тинглашдек юксак шарафга муяссар бўлдим. Ва шунда юртимиз, улуг халқимизнинг бахтиға шундай буюк ва доно йўлбошқини етказгани учун Яратганга шукроналар айтдим, Мустақилликнинг нақадар улуг неъмат эканлиги, унинг қадрига етиш ҳар биримизнинг қалб ва ниҳон бурчимиз бўлиши лозимлигиға яна бир бор иймон келтирдим...

Ҳа, Абдуллажон ака дил сўзларини ҳаёжон билан, тўлиб-тошиб, ўзига хос жўшқинлик билан гапирарди. Чунки саксон сари одимлаётган ушбу тиниб-тинчимас, ҳоқисор инсон қалбида доимо эл-юрт, одамлар хизматида бўлиш сингари фазилатлар мубассамки, бу ҳақда ҳар қанча гапирса арзийди. Бинобарин ота ўхшаган қалби меҳр-муҳаббатта тўла филойилар орамазда бор экан буюк келажакни қуриш йўлидаги эзгу интилишларимиз, олийжаоб мақсадимизға албатта эришамиз.

Маҳалла оқсоқоли кечирган умридан мамнулигини, Истиқлол унинг тақдирда ҳам беқиёс ўзгаришлар ясаганини айтиб, шу кезларда қалбидан кечатган эзгу туйғулар ва ниҳоят билан ўртоқлашди. Унинг сўзларини тинглаб туриб «Илоҳим ана шу ниҳоятларингиз доимо ўзингизға ҳамроҳ бўлсин, Мустақилликнинг ўн йиллик шодибаналари кунига белгиланган тадбирларда ҳам маҳалладошларға бош-қош бўлишдан чарчаманг», деган истак билан истеъфодаги генерал ва маҳалла оқсоқоли ҳақидаги дил сўзларимизни шу ерда мухтасар этамиз.

**Солиҳ ЁҚУБОВ**  
**СУРАТДА: Абдуллажон Ортиқбоев рафиқаси Шохсанам ая, қизи Санамжон билан неваралари даврасида.**

**Тоҳир Нигматуллин олган сурат.**

## АНЖУМАНЛАР

**Ишбилармонларга мадад**

Мамлакатимизда тадбиркорларни, ўрта ва кичик бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда банкларнинг муносиб ўрни бор. Яқинда Республика Марказий банкида Кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган Президент Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ўз вақтида таъминлаш ҳамда тадбиркорларни ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси ҳамда Марказий банк ҳамкорлигида семинар ўтказилди.

Унда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси, Республика Бизнес фонди, шаҳар Адлия бошқармаси, тижорат банклари ва уларни филиалларининг вакиллари ҳамда Тошкент шаҳрида фаолият юритувчи тадбиркорлар иштирок этди.

Семинарда сўзга чиққанлар бугунги кунда тадбиркорликни ривожлантиришга тўққунлик қилаётган, уларга ноқулайликлар туғдираётган масалаларни қонуний равишда ҳал қилиш, мавжуд қонуний ҳужжатларини замон талабига, тадбиркорларнинг эҳтиёжларини ўрганган ҳолда қайта қўриб чиқиш лозимлиги ҳақида батафсил тўхтадилар.

**Одил ХАСАНОВ**

## САНОАТ

**Шаҳарнинг Сергели туманида жойлашган «Кўёшдан ҳошим қилиш заводи» очик турдаги акционерлик жамиятининг бундан уч йил олдин 20 миллион сўмлик турли қарзлари бўлиб, зарар кўриб ишлаётган корхоналардан бири эди. 1997 йил корхона акцияларини Республика «Уйжойжамгармабанк»и сотиб олиб, уни иқтисодий ўсиши учун зарур бўлган маблағ билан таъминлади ва ишлаб чиқаришни янада барқарорлаштирди. Хусусан, мавжуд барча қарзларни узган ҳолда ишлаб чиқаришни тўла-тўқис йўлга қўйиб жаҳон талабларига жавоб бера оладиган махсулотлар ишлаб чиқара бошлади.**

Албатта, бугун республика миқёсида кўплаб мактаблар, коллежлар, шифохона ва замонавий турар жой бинолари қад ростламоқда ҳамда қайта таъмирланмоқда. Гувоҳи бўлганимиздек, ана шундай янги барпо этилаётган аксарият биноларға ўрнатилган оқ рангдаги пластмассадан тайёрланган сифатли ва кўркам эшик-ромуллар худди шу заводда ишлаб чиқарилган.

Мазкур корхона ўтган йили 76 миң квадрат метрдан зиёд махсулот ишлаб чиқариб, 310 миллион сўм соф фойда кўрди. Бу кўрилган фойда корхона ишчи-хизматчиларига қулайликлар яратиш, унинг фаолиятини янада кенгайтириш ва махсулот турини кўпайтиришға сарф қилинди. Шу боис ҳам 2001 йили корхона қошида янги—ойналарға жило бериш цехи ҳамда аҳолиға сервис хизмати кўрсатиш шохбачаси ишга туширилди. Натижада, сўнгги бир йил давомида тумандаги 100 нафардан зиёд йигит-қиз иш билан таъминланди. Айни кунларда корхона ишчиларининг ўртача ойлиги 30-35 миң сўми ташкил этмоқда. Шунингдек, уларға кўнгилда-

гидек дам олиб хордик чиқаришлари ва яшаш шароитларини яхшилаб боришлари учун барча шарт-шароитлари муҳайё этилган. Корхонани иқтисодий жиҳатдан олиятини замон талаблари даражасида такомиллаштириб бориши керак. Яъни замонавий, юксак технологияни хориждан олиб келиб, сифатли ва жаҳон талабларига жавоб бера оладиган, экспорт ўрнини босадиган махсулотлар ишлаб чиқариш лозим. Ваҳоланки бу давр талабидир. Ахир қачонгача биз четга хом ашё бериб, тайёр махсулот оламиз. Ўзимизда бор имкониятлардан фойдаланишимиз керак. Махсулотимизнинг анъанавий ёғоч эшик-ромуллардан фарқи шундаки—40 ёки 80 даражача бўлган ҳароратга чидаши билан бирга чанг, шамолни ўтказмайди. Ташқаридаги товуш хонаға эши-

Корхонанинг истиқболи ва кейинги режалари тўғрисида унинг бош директори Улугбек Тўлағов ўз фикрини қуйидагича баён этди: — Ҳар бир корхона ўз фойдаланишига эришиши керак. Яъни замонавий, юксак технологияни хориждан олиб келиб, сифатли ва жаҳон талабларига жавоб бера оладиган, экспорт ўрнини босадиган махсулотлар ишлаб чиқариш лозим. Ваҳоланки бу давр талабидир. Ахир қачонгача биз четга хом ашё бериб, тайёр махсулот оламиз. Ўзимизда бор имкониятлардан фойдаланишимиз керак. Махсулотимизнинг анъанавий ёғоч эшик-ромуллардан фарқи шундаки—40 ёки 80 даражача бўлган ҳароратга чидаши билан бирга чанг, шамолни ўтказмайди. Ташқаридаги товуш хонаға эши-

## ТАДБИРКОРЛИК

Бугунги кунда хибонларимиз, янги қурилаётган биноларимиз атрофлари, йўлакларимиз турли шаклдаги бежирим ва чиройли бетон гиштчалар билан безалаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай гиштлар ўзининг кўркамлиги, ишлатишда қулайлиги, иссиқ ва совуққа чидамай, тозалашда ҳам ўз аслини йўқотмаслиги билан ажралиб туради.

## Кенг қўлланилмоқда

Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Ромсервис» масулюйти чекланган жамиятида ҳам ана шундай махсулотларнинг қўллаб турлари ишлаб чиқаришмоқда. Ассосан, ўтган йилдан ўз фаолиятини бошлаган ушбу корхона тадбиркорларнинг гишт ва бошқа махсулотларига талаб ортиб бормоқда. Бу ерда ўтган йилнинг ўзида 20 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилиб, унинг ҳаммаси ўз харидорини топти.

Пойтахтимизда бунёд этилган жуда кўплаб иншоотларда «Ромсервис» тадбиркорларининг махсулотларидан унумли фойдаланилганлигини ва улар ушбу бинолар, хибон ва йўлаклар чиройини очганини яққол кўриш мумкин. Ўтган йили фойдаланишға топширилган «SOS—Ўзбекистон болалар маҳалласи», Ҳамид Олимжон майдони, «Турон» ресторани, «Олой» бозори, Давлат Мулк қўмитаси ва бошқа пойтахт ҳамда вилоят қурилишларида унинг махсулотларидан кенг фойдаланилганлиги фикримиз далилидир.

— Махсулотларимизнинг сақланиш муддати 50 йилдан ҳам ортиқни ташкил этади, — дейди корхона директори Пётр Романов. — Шу боис жорий йилда ҳам буюртмаларимиз кўп. Энг муҳими, биз маҳаллий хом ашёдан чидамиз ва керакли махсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйганимиз.

Шуниси қувонарликки, корхона ишлаб чиқариши янада ривожлантириш, махсулотларини кўшни республикаларға ҳам чиқариш режасини тузган. Бунинг учун хориждан замонавий технология келтириш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш лозим. Ана шу мақсадда Халқаро молиявий корпорациядан «Асакабанк» орқали 600 миң доллар миқдорда кредит олинди. Бу, албатта тадбиркорларға ишларини янада яхшилаш, иқтисодийтимиз ривожига муҳим ҳисса қўшиш имкониятини яратди.


Иўловчилар трамвайни бекатда ярим соатдан кутардилар. Зеро, биринчи Тошкент трамвайи қатнов ҳаракатининг жадалли ана шундай тузилган: 19 эрталабки соат 7 дан кечки 9 гача ҳар ярим соатда қатнаб туради. Бир ҳуфт оғини трамвайларни тортиб юриши унчалик энгил кечмаганлиги сабабли бундан тез юришининг илоҳи йўқ эди. Шуниси қизиқки, ўша пайтда корхона ихтиёрида 288 та от мавжуд бўлган бўлса, унда 200 киши меҳнат қиларди. Булар вагонларни ва трамвай йўналишларини таъмир-

## Пишиқ, кўркам ва ишончли

Биз илгари ваъда берганимиздек, бу йил юз ёшга тўладиган Тошкент трамвайи тарихига тааллуқли мақолаларни чоп этишни бошлаймиз. Газетамиз «Тошшаҳарйўловчи» давлат уюмчаси билан ҳамкорликда ташкил қилаётган билимдонлар танлови ҳам ушбу кўтулган санга бағишланади. Шунини айтиш кераки, танловда қатнашиш ниятида бўлган ҳамшаҳарларимиз бизнинг материалларимиз орқали айрим керакли маълумотларға ҳам эга бўлишлари мумкин. Шундай қилиб, келинг сизлар билан илк бор тошкентликлар трамвайнинг шохиди бўлган ва унинг йўловчиларига айланган ўтган асрнинг бошларига саёхатни бошлаймиз.

Утган асрнинг дастлабки йилларида тошкентликлар учун ҳаракатланиш воситалари чегараланган эди. Албатта, салкам одам бўйи баравар келадиган иккита улкан гилдиракли арваларда юриш ёки отнинг устида ва ниҳоят эшакда керакли манзилға етиб олиш мумкин эди. Бироқ, энди ушбу «транспорт» воситалари

## ТОШКЕНТ ТРАМВАЙИ — 100 ЁШДА



ловчилар, чипта сотувчилар ва бошқа мутахассислардан иборат хизматчилар эди. Трамвай энг қулай транспорт воситасига айланди. Уни эски Тошкентнинг нотекис қўчаларига чиройли ҳаракатланаётган оролчға ўхшатиш мумкин эди.

Йўловчилар қўл кўтаришлари билан, отларни ҳаракатлантирувчи киши жиловни тортиб «Тпру!» дея отларни тўхтатар эди. Айтишларича, «конка» бошқарувчиларидан бири ўз уйининг йўлидан туриб трамвай тўхташини талаб қилган ҳолда ёмғирлушини кўтарган шаҳар бошқаруви маҳкамаси аъзосини кўрмай қолган. Бундай эътиборсизлиги учун у билан эртасигаёқ хисоб-китоб қилишиб, «эркин тарзда фикрлашни бас қил», дея маслаҳат беришди. Уша пайтларда шундай воқеалар юз берган экан.

Ёмғирли кунларда «конка» бошқарувчиси ўз устига брезент қопни ёлган ҳолда ёмғирдан ҳимояланарди. Унинг бир қўлида қалин чарм жиловларнинг тўртта туги бўлса, иккинчисиде катта иккили кўнгирикнинг банди бўлиб, уни чалган ҳолда «Охтиёт бўлинг, трамвай юрляпти!», дея атрофдаги кишиларни оғохлантирарди.


«Конка»ни ҳайдовчининг ҳам, чипта сотувчининг ҳам ҳар кун 14, баъзан ҳатто 16 соатлаб ишлашига тўғри келарди. Бельгия жамияти улар тўғрисида унчалик ғамхўрлик қилмасди. Улар маошининг 40-50 фоизгача қисми ҳар хил турдаги жарималарни тўлашға кетарди. Масалан, агарда вагондан битта бўлса ҳам белгиланган мейёрдан ташқари ортиқча йўловчини топишса чипта сотувчиға уч сўм (ўша пайтларда бу катта пул эди) миқдорда жарима солинар эди. «Конка»ни бошқарувчи эса ишини тугатганидан кейин отларни жиловдан бўшатиб, уларни отхонаға элиб қўйиши керак эди. Кейин у вагонға қайтиб, уни супуриб, ювиб-тозалаб кейинги рейсға тайёрларди.

Бельгия акционерлик жамияти Тошкентда отли-темир йўлни фойдасиз иш деб топди. Вагонлар ҳаракат тезлигиндан келиб чиққан ҳолда ташилдаган йўловчиларнинг миқдорини ошириб бўлмасди. Бинобарин, тадбиркорларнинг даромадлари ҳам улар хоҳлаганларидек суръатларда ўсмаётган эди. Ва тезда улар йўналишға электрли трамвайларни қўйган ҳолда «конка»дан воз кечишға қарор қилдилар. Зеро, бу вақтга келиб Бельгия жамияти ундан Россиянинг Могилёв, Витебск, Орел ва Қозон каби айрим шаҳарларда фойдаланишни бошлаган эди. Бироқ, шу ерга келганда хижоимизни тўхтамади. Кейинги мақоламизда эса дастлабки Тошкент электр трамвайи тўғрисида батафсил тўхталиб ўтамиз.

**Ўз муҳбиримиз**

**СУРАТЛАРДА: арава мана шундай қўришниға эга эди; вагонлар тўхтади; трамвайни кутиб туришға тўғри келяпти; «конка».**

**Газета тақдим этган суратлари учун Республика кино-фотодураҳлари Марказий Давлат архивига миннатдорчилик билдиради.**



# НАВРЎЗ пашидаси

## Бир пиёла чой устида

Юнусобод туманидаги Гуломмахмуд Абдуллаев номли 271-мактабда ҳар йили баҳор фаслида мазкур илм маскани ривожига катта ҳисса қўшган, ҳозирда қарилик гаштини сураётган кекса ўқитувчилар иштирокида тадбир ўтказиш одатий ҳолга айланган.

Жорий йилда ҳам бу анъана бузилмади. Кўп йиллар ўзлари меҳнат қилган жонаҳон мактабларига ташриф буюрган 24 нафар устоз ўқитувчилар ҳозирги кунда ёш авлодга таълим-тарбия бераётган 63 нафар шогирдлари билан бир дастурхон атрофига йиғилишди. Йиғилганлар аввало марҳум ўқитувчилар хотирасини ҳурмат билан эсга олишди. Устоз ўқитувчилардан Халил Жалилов, Соиб Носиров, Иқбол Исоқова, Музаффар Тўлаганов, ҳозирда мактаб директори Муаттар Вакиловлар мактабда кечган эсда қоларли воқеалар ҳақида, таълим соҳасини ривожлантириш борасида қилган меҳнатларининг самараси хусусида ёш ўқитувчиларга ҳикоя қилиб беришди. Собик ўқувчилардан ташкил этилган ансамбль ижросидаги куй-қўшиқлар эса тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

## Кекса мураббийлар эъзозланди

Пойтахтимиздаги Саиджон Калонов номли 96-ўрта мактаб болажонларни илк бор ўз бағрига олганига ҳам қирқ йилдан ошди. Эътиборга лойиқ томони шундаки, ушбу файзли ўқув масканида бутун умрини ёшларга зиё-маърифат беришдек савобли ишга бағишлаб кексалик гаштини сураётган устозларга доимо ҳурмат билан қараш, турли байрамларда улар иззатини жойига қўйиш яхши одат тусига кирган.

Юртимизда поклик ва меҳр-муруватнинг элчиси бўлмиш Наврўзи олам ўз сепини ёйган шукўли кунларда мактаб маъмурияти, ота-оналар қўмитаси ва «Янгиариқ» маҳалласи фаоллари ўзаро ҳамкорликда ўз ҳаёт риважларини 96-мактаб билан боғлаб ҳозирги кунда неварачеваралар даврасида хордик чикараётган муаллимларни тўкин байрам дастурхонига таклиф этишди. Меҳр-оқибат, муруват-саховат каби эзгу фазилатлар, азалий удумларимизнинг тикланишига йўл очган мустақиллигимизга шукроналар айтган кекса муаллимлар сумалак, кўк сомса ва кўк чучвара каби баҳорий таомлардан тановул қилишиб, мактаб бадийи хаваскорлари ижро этган мумтоз ва замонавий куй-қўшиқлардан баҳра олишди. Мактабда узоқ йиллар ишлаб ҳаётдан кўз юмган ўқитувчилар руҳи-покига тиловат қилинди.

Тадбир давомида ишлаб турган бир гуруҳ пенсионер-ўқитувчилар ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этаётган ташаббускор мураббийларга мактаб маъмурияти ва «Янгиариқ» маҳалла қўмитаси томонидан фахрий ёрликлар, пул мукофотлари топширилди.

Дилшод ИСРОИЛОВ

## ОБОДОНЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

### Меҳнат билан кўркам

Ҳамшаҳарларимиз ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги давом этаётган шу кезларда азалий анъаналаримизга, «Хашар — элга ярашар» деган халқ нақлига амал қилиб салмоқли ишларни бажаришмоқда.

— Ободонлаштириш бош бошқармаси ходимларига ҳамшаҳарларимизнинг яқиндан берган кўмаги баракали бўлди, — дейди шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси бош агрономи Лазоқат Исломов. — Шаҳримизнинг барча худудларида 400 мингга яқин кексаёш ёш иштирок этиди. Уларнинг баракали меҳнатлари эвазига 719 километр сув шохобчалари тозаланди, 17 мингдан ортиқ довдаракларга шакл берилди, 75 минг тулдан зиёд дараклар оқланди. Тозалик иш-

ларини амалга ошириш ишларида 3000 тандан кўп машина механизмларда 20 минг тоннадан зиёд чиқиндилар олиб чиқиб ташланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки кўлам инсон меҳнати билан кўркам. Ана шу кўркамликни янада оширишда кўкаламзорлаштиришнинг аҳамияти беқиёсдир. Шу боис ҳам шаҳримизда бугунга қадар 24732 тул мевали ва манзарали дараклар, 19311 та буталар, 4 мингдан ортиқ турфа гуллар экилди. Экиш ва парвариш ишларида маҳаллалар ахли, корхона, ташкилот, муассасаларнинг ходимлари, талаба ва ўқувчилар кенг жалб этилди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги кезларида яна кўплаб боғлар барпо этилади.

Дилноза ФИЁСОВА

Ҳаёт ўзи улкан сахнага ўқшади. Унда ҳар кимнинг ўз ўрни, таъбир жоиз бўлса — «образ» бор. Театр сахнасида аслида ўзимизнинг «образимиз»ни томоша қиламиз. Айрим кўрсурларимизнинг, билли-билмай қилаётган хато-камчиликларимизни кўраемиз. Шу маънода театрни — ҳаёт сахнаси, ойнаси дегимиз келади. Фақат, ўша сахнада намоийш этилаётган асарларни қўйишга еткази олмади.

Сўнги пайларда пойтахт шаҳримиз кўркамга кўк қўшиб турган Муқимий номли Ўзбек Давлат мусикий театри томошабинлар билан гажум бўлиб қолди. Очиғи, телевидение ва айниқса видео равнақ толган сари оммавий томошахона, хусусан, театр бинолари хувилаб қолади, дея башорат қилувчилар пайдо бўлган. Буни қарангки, ҳар қанча жозибали кўринмасин томошабинлар техника «мўъжизаси»га абадулабад «михланиб» қолмадилар. Жонли томошалар ўз мавқени йўқотмади. Томошабин сахнадаги томошаларни кўрсаб келаверди. Бу халқимизнинг юксак маънавиятидан далолат.

Ўз навбатида театр ижодий жамоаси ҳам мухлислар маънавий дунёсини бойитиш йўлида тинмай ишляниб, меҳнат қилишаётгани аён. Намоийш этилаётган ҳар бир сахна асари ўз мухлисларини топаётган.

Сўнги пайларда сахнада «ярқ» этган асар таниқли адиб Холлиқ Хурсандовнинг «Ўлдин — азиз бўлдин» спектаклидир. Унга Фарҳод Олимов мусиқа басталаган. Хожа Аҳмад Яссавий ва Мирзо Бобур номидаги мукофотлар соҳиби Баҳодир Назаров режиссёрлик қилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эргаш Томатов дирижёрлик ишларини қўйишга етказган.

Театрга қадам ранжида қиларкансиз, томошабинлар кўпчилигидан кўнглингизда кўта-

ринки руҳ пайдо бўлади. Бежирим безатилган сахна бир зум эътиборингизни ўзига ром этади. Сахнада бошланган воқеалар ҳаёт воқеаликлари билан уйғунлашиб кетаётгандек таассурот қолдиради. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Бекназаров, Меҳрихон Бекнонова, таниқли актёрлар Насриддин Рустамов, Малика Қаюмова, Турсунбой Пиржонов, Гулнора Рустамова, Дилмурад Узоқов, Абдулгани Рўзиев, Олтинбек Сапаралиев, Меҳмонали Салимов ва бошқалар ўз ролларини жуда қўйилмақом қилиб ижро этишди. Улариям артистмасан ар-

тист-да! Гапларни қўйоришди! Айниқса, «Тумандан келган вақил» эндигина ўзбекзабон бўлаётганини чунонам намоийш этдики, томошабинлар кула-кула...

Асар мавзуси чакимас! Қишлоқда қолган ота-оналар ҳолидан ойлаб хабар олмайдиган баъзи ношууд фарзандлар иттифоқ шундай ҳолга тушса, яъни, улардан жудо бўлиб қолса, қай аҳволга тушиши мумкинлигини кўриб, кўнглингиз алланечук бўлади.

Ҳар бир артист маҳорати сизни сеҳрлаб қўяди. Сахнага қандақ миҳланиб қолганингизни сезмайсиз. Тўрт фарзанди — қизи ва уч ўғли соғинида юрган отахон уларни синанаш учун атай «ўлади». Ушанда у қанчалик «азиз бўлгани»ни томоша қиласиз. Очиғи, бу мавзунини театр ижодий жамоаси қўйишга етказиб ижро этишганини қайта-қайта таъкидлагимиз келади. Кўпсонли мухлислар

## Янгиликлар, хушxabарлар, воқеалар



Собир Рахимов туманида ўтказилган «Йил ўқитувчиси-2001» кўрик-танловда 22-мактабнинг ёш математика ўқитувчиси Шаҳноза Мақсудова 1-ўринни эгаллаб, шаҳар кўригига қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.  
СУРАТДА: Шаҳноза Мақсудова ўқувчилари даврасида.

Равил Альбеков олган сурат.

## ТАНЛОВЛАР

### Аёл — дунёни тебрата

Шаҳримизнинг Бектемир туманидаги «Миришкор» маҳалласида Аналар ва болалар йили ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб давра сўхбатлари, учрашувлар, қизиқarli тадбирлар, кечалар ўтказилмоқда.

Яқинда туман маданият уюмида маҳалла ҳудудидagi 29, 29\*, 34, 35, 36, 38, ва 51-кўп қаватли уйларида яшовчи аёллар ўртасида «Аёл-дунёни тебрата» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

— Кўрик-танловни ўтказишдан олдинкига кўйган мақсадга эришдик, — дейди маҳалла қўмитаси раиси Равшан Исоқов. — Тан олишимиз керакки, баъзи аёлларимиз алла айтишни, тўйларда ёр-ёр айтишни

деярли ўнгиб қўйишган ёки билшмас эди. Кўрик-танлов эълон қилинганидан сўнг улар кексаларга муножбат қилишди, билмаганлар билганлардан ўрганишди. Кўрик-танловда фаол иштирок этган гуруҳ аъзолари ҳамда голиблар туман оқсоқоллар кенгаши ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармасининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиғи билан мукофотландилар.

Махлиб ИСОҚОВА



Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўрғазмалар залида очилган чех графиклари кўрғазмаси санъат ишқибозларида катта таассурот қолдирди.  
СУРАТЛАРДА: кўрғазма залида.  
Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

## КЎРГАЗМАЛАР

### Ҳунармандлар мусобақаси

Шайхонтоҳур туманидаги 37-мактабда тахсил олаётган ўқувчилар меҳнат ўқитувчилари Эргаш Мухамедов устозлигида ташкил этилган дурдодорлик устaxonасида ёғоч буюмлари — Оштахта, хонтахта, беланчак, сабзи-тахта, ўқлов тайёрлаш сирларини ўрганиб қўлаётганликлари тахсинга сазовордир. Яқинда мазкур тўғарақ аъзолари тайёрлаган ёғоч буюмлари кўрғазмаси ота-оналари ва мактаб ўқитувчилари иштирокида намоийш этилди. Ва барчада катта таассурот қолдирди. Ўқувчилардан Дилшод Муроджўев ва Тоҳир Ҳожибоевлар тайёрлаган кўрғазма эса ҳайрат аъзолари томонидан юқори баҳоланди.

Абдулла ТОЛИПОВ

## УЧРАШУВЛАР

### Мароқли ўтди

Шаҳримиздаги 50-мактаб ўқувчилари коиноти тадқиқ этиш билан боғлиқ кўпгина маълумотлар билан халқ ҳўжалигининг фазо соҳаси олимлари — «Ўзбеккоинот» агентлиги коинот тадқиқотлари бўлимининг бошлиғи Игорь Ибрагимов, физика-математика фанлари номзоди, астроном Ширинбой Пиримқулов, «Коинот» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси халқаро алоқалар бўлимининг бошлиғи Александр Махидов ва бошқа олимлар билан ўтказилган учрашув чоғида биллиб олдилар.

Энг муҳими, мароқли учрашув давомида болажонлар коинот ердан, биринчи синфдан, илм-фан асосларини ўрганишдан бошланишига ишонч ҳосил қилдилар. Ўқувчилар олимларнинг ушбу қизиқarli учрашув эса «Ерликлар томонидан коинотни ўзлаштиришнинг ва инсоннинг фазо бўшлиғига парвозининг 40 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида бўлиб ўтди.

Флора ФАХРУДИНОВА

## ТЕАТР

### ҲАЁТ ОЙНАСИ

эътиборини қозонган спектаклни ҳатто телевидение ижодкорлари ҳам ёзиб олишди ўшанда.

Дарвоқе, бу асар ўтган йили Қашқадарё ва Сурхондарё вилоят театрлари сахналарида бир неча бор намоийш этилиб, кўпсонли мухлислар эътиборини қозонган. Яхши асар чегара қўймайди, давлат ё миллат танламайди. Биргина мисол, устоз адиб Саид Аҳмаднинг машҳур «Келинлар кўзғолони» бутун дунё томошахоналарини забт этаётганда ҳар биримизнинг қалбимиз чексиз фахр-ифтихорига тўлган ва шундай аҳойиб

бўлдилар. Ҳаял ўтмай юз-кўзларидаги грим ва ҳоқазолардан холи бўлганча артистлар ҳам чиқиб келдилар. Улар энди сахнадаги кишиларга мулақоа ўқшамадилар. Оддий одамлар қатори уйларида ошқардилар.

— Ўлдин — азиз бўлдин»даги бош қаҳрамонлардан бири, қўшни чол образини қўйиллатган севимли актёримиз Турсунбой Пиржонов билан театр ҳовлисидида бир дафъа сўхбат қурдик.

— Гапнинг очиги, сахнада кимнингдир образини ижро этишдан ундан ўзим таъсирланиб кетдим, — дейди у хаяжон билан. — Негаки, ўзим ҳам ота-оналарим ҳолидан хабар олмаганимга анча бўлди...

— Кечирасиз, асли қаерликсиз? — Чимкентликман. — Сўхбатдошимиз халқга чўмиб сўзида давом этди. — Шу спектаклимизни томоша қилгач, кўлаб биродарларимиз ўз ота-оналарига оқибат, муруват кўрсатишига ҳақида эшитдим...

— Демак, театр маънавий озиқ берибгина қолмай, томошабин дунёқаршига ҳам таъсир кўрсатаркан-да?

— Бу — санъатнинг муҳим вазифаларидан-ку! Наздимда, шу асар муаллифи катта ҳаётий тажрибага эга экан. Истеъдодли қаламкашининг муваффақияти ижодий жамоамиз ютуғига айланади.

Турсунбой ака билан самимий хайрлашганга йўлимизда равона бўларкансиз, атрофга назар солидик. Шаҳримиз уйлари деразаларида электр нурали порлаб турибди. Ҳар бир чироқ ёғдусида қанчадан-қанча бахтиёр чехралар ўз қувонч ва ташвишлари билан банд. Ҳад-ҳудудсиз ҳаёт сахнасида ҳақиқий ролини бажараётган инсонлар бир-бирларига меҳр-оқибат кўрсатиш бобида шу «кичи» сахна — театрдаги томошадан хулоса чиқаришдикимики?..

Тўлқин ЭШБЕК,  
Оқназар СИРЛИБЕЙ.

## Шарқ дурдоналари

### Оз-оз ўрганиб домо бўлар...

#### АКА ВА ДЎСТ

Одамларнинг акаси фақат ака бўлиши мумкин, бироқ катта акам Абдулхай Маҳсум менга нафақат ака, балки энг яқин дўст ҳам эди. У мени жуда яхши кўрар, орамиз узоқ бўлгани учун тез-тез соғиниб қоларди. Бир гал уч-тўрт ой кўришмай қолдик. Ўгли Орифжонни Тошкентга юборибди.

— Дадам сизни жуда соғиниб қолдилар, — деди Орифжон, — сиздан гапирсак, кўзларига ёш оляптилар!

**Оила бошлиғи энг катта ака,  
Ака яхши бўлса, уйда барака.  
Укалар акага қулоқ солмаса,  
У уйда бошланар тезда маърака.**

Ҳамма ишимни йиғиштириб, Марҳаматга жўнадим. Акам мени кўриб ўзини қаерга қўйишни билмасди. Хабар топиб, акамнинг қадрдон дўсти Фатхулла Маҳсум ҳам етиб келди. Бу одам мендан анча катта бўлса ҳам мени ўзига дўстдек тутар, кўп вақтини биз билан ўтказарди. Бу одамнинг ҳаётида қизиқ ишлар кўп содир бўлар, бу воқеаларни айтиб берса, одамларнинг кулгидан ичаги узилиб қоларди.

**Асаба давонинг аълоси кулги,  
Асорат қолдирмас шифоси кулги.  
Асаба доримо гийёх излама,  
Гийёх дорисиз давоси кулги.**

Мен Фатхулла Маҳсум ҳақида «Сийпалатма Маҳсум ҳикоятлари» деган китоб бошлаб қўйган эдим. Бир кун ўтиришда унга бу ҳақда гапирган эдим, кулиб қўя қолди. Бир газетанда бу ҳикоятлардан икки-ючтасти бостириб, катта акамга жўнатиб юбордим. Акам унинг қизига совчи келган куни олиб бориб ўқиб берибди. Фатхулла Маҳсум:

— Мен Маҳмудхон ҳазиллашяпти деб ўйлаган эдим, ростдан ҳам китоб ёзаётганга ўқшади. Мен Сийпалатма Маҳсум деган номни қариндош-уруғлар ичида қандай кўтариб юраман! — дебди. Шундан сўнг мен китобнинг номини «Бир савҳатнинг юз ҳикояти» деб ўзгартирдим. Бироқ Сийпалатма Маҳсум деган ном аллақачон одамлар орасига тарқалиб бўлган эди.

Катта акам Абдулхай Маҳсум биронинг ҳақини ҳеч қачон емаган, содда ва ишонувчан, оққўнғил, Худодан кўриб-қалтираб яшайдиган киши эди. Қурьонни жуда чиройли ўқирди. Мен ҳақимда қай-гургани-қайгурган эди. Бир гал ёлғиз қолганимизда:

— Ука, душманлик бўлиб қолибсиз-ку! — деб қолди.

**Душманнинг мен билан низоси нима?  
Низодан кўзлаган даъвоси нима?  
Кўнғил дер: «Жим бўлгин, нияти покка,  
Душманнинг даъвою ифвоси нима?!»**

Мен акамнинг гапини инкор қилдим. Мақсадим уни гамга солмаслик эди. Акам:

— Уларнинг ичида бир олим ҳам бор экан, — деди.

Мен ҳамон инкор қилар, айни пайтда акам буларни қаердан билди экан, деб ўйлардим.

— Ука, агар хоҳласангиз уларга бир чора кўра-миз, — деди акам. Сўнг:

— Дадамизнинг усули эсингиздами? — деб сўради.

Бу воқеанинг тафсилоти куйидагича эди. Қиблагўҳимиз ҳақида маҳалладагилар тўхмат хати ёзишди, бироқ бирортаси ҳам тасдиқланмади. Бизлар ҳам қийин аҳволда қолган эдик. Охири катта акам, ҳар нарса Худодан деб, сабри ўзига қалқон қилиб олган қиблагўҳим хўзурига кириб, «Талоя» дан фойдаланиб, деб қаттиқ туриб олдилар.

«Талоя» сўзи «авангард отряд» маъносини билдиради. Қиблагўҳим «Талоя» илмини ўрганиб бўлиб, бу дуога боғланган муваққаллар буюринган ҳар қандай ишни амалга оширар эдилар. Қиблагўҳим оқибат натижада муваққалларини чаққириб, бу уч тўхматчини жазолашга буюрдилар...

Мен акамдан:

— Сиз Талояни эгалладингизми? — деб сўрадим.

— Ҳа, — дедилар акам, — дадам тушимда келиб, ўқинг, муваққаллар билан юзма-юз гаплашадиган бўлинг, дедилар. Кўп ўтмай, улар билан мулоқот қиладиган бўлдим.

Акамни бу муваффақият билан табриқладим ва душманларим борлигини қаердан билганини энди фаҳмладим. Бироқ, душманнинг йўқ, деб инкор қилиб туриб олдим. Негаки, акамнинг ташвишда қолишини хоҳламас эдим. Акам:

— Майли, ўзингиз биласиз, бироқ эҳтиёт бўлинг! — деб қўйдилар.

Тошкентга қайтиб келганимдан сўнг, орадан бир-икки ой ўтгач, қайноғам Абдулфайёз меҳмон бўлиб келди. Акамнинг аҳволини сўрадим. Саломат юрган эканлар. Қайноғамга:

— Укам душманли бўлиб қолди, кўнғилчанглигини қарангки, душманларига бирор чора кўрайлик десам, душманим йўқ дейди, деб арз қилибдилар.

**Хаста дилга даво бергучи Худо,  
Ёмонлардан раҳо бергучи Худо.  
Душманнинг барин Худога солдим,  
Душманимга жазо бергучи Худо.**

Маҳмуд ҲАСАНИЙ

\* Раҳо — қўйилиш.

Аввало оқсил касаллиги ҳақида. Оқсил вируслар келтириб чиқарадиган ўткир юқумли касаллик бўлиб, у билан асосан уй ҳайвонлари касалланади. Бу хасталикнинг одамларга қандай хавфи бор ва у қай йўл билан уларга юқадми? Шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик, гўшт орқали ёки сут ва сут маҳсулотларини қайнатмасдан истеъмол қилиш натижасида юқиши мумкин.



— Бунинг учун республикада қатъий чоралар кўрилади. Жойлардаги барча ветеринария хизматлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат санитария эпидемиология нazorати, Ички ишлар вазирлиги, Чегара қўшинлари, Божхона қўмитаси ва кенг жамоатчилик, махсус гуруҳлар бу ишга жалб этилган. Мутахассислар аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Шаҳар бозорларининг гўшт билан савдо қилувчи растанларида кичик постлар ташкил этилди. Барча Хамдўстлик давлатлари билан ойма-ой юқумли касалликларнинг тарқалиши ҳақида ахборот алмашиш йўлига қўйилган. Гўшт ва сут ҳамда улардан тайёрланган маҳсулотларнинг кўчалар, ерости ўтиш йўллари, метро станцияларида сотишни тақиқлаш бўйича тадбирлар ўтказилмоқда, — деди у бизга.

# Оқсилдан эҳтиёт бўлинг

Лекин бу билан биз ҳамма нарса жойида, ушбу касалликнинг республикада ўтмаслиги учун етарли асос бор, хавотирга мутлақо ўрин йўқ дедимиз эмасмиз. Албатта, бу биринчи навбатда истеъмолчи ва харидорнинг сергаллиги ва унинг нақадар ҳақ-ҳуқуқини биллишига, талабчанлигига ҳам боғлиқ.

Шуни назарда тутиб биз Тошкент шаҳар бозорларида мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келтирилган гўшт маҳсулотлари сотишда санитария-гигиена қоидаларига тўла риоя қилинаётганини, уларнинг истеъмолга яроқлиги ҳақида мутахассислар томонидан берилган сертификат қозғалари бори деган саволларга жавоб топиш учун шахримизнинг баъзи бозорларида, шахсий гўшт дўконларида бўлдиқ, харидор ва сотувчилар билан суҳбатлашдик.

«Эски Жўва» бозори Тошкентимизнинг энг йирик савдо-сотқ ўчоқларида бири. Бу ерда бир кунда минг-минглаб кишилар ўз эҳтиёжларини қондириш учун келиб-кейтишди. Бозор маъмурияти уларга қулай шароит яратиш мақсадида баҳоли қудрат керакли имкониятларни яратиб бермоқда. Бу ўринда биргина гўшт ва сут маҳсулотлари учун алоҳида қурилган икки қаватли замонавий мажмуани мисолга келтириш мумкин. Барча зарур жиҳозлар билан таъминланган харидор ва сотувчилар учун зарур қулайликлар яратилган бу мажмуа сайқалдан тўла чиқарилиб бугун-эрта ишга тушиш арафасида турибди.

ниб чиқанимида пештахта ортида турган кўплаб сотувчиларнинг халатсиз эканлиги, улар орасида оддий озодалик, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмаётганлари ҳам бор эканлигига ишонч қилдик.

Улар тили билан айтганда «тектириш» бозорларидан кейин халатсиз сотувчилар бир зумда гойиб бўлишди, жойларда озодалликка ҳам эътибор қўчади. Қизиғи шундаки, сертификат қозғоли сўраганларнинг кўпчилиги бу ҳужжат ўзларида эмаслигини, балки ўғиллари ёки шериклари кўлида бўлиб улар айна паллада қаергадир кетиб, тез фурсатда қайтишларини айтишди. Бу ҳам бахонанинг яхши усули. Кут, кутавер. Қани, асабинг қанча чидаркин?

Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология нazorати маркази мутахассиси Убайдулла Салимов ва бозор ветеринария-санитария экспертиза лабораторияси мудири Саидмуҳаммадзокир Аскархўжаев ҳамроҳлигида айна дама аҳолига хизмат кўрсатаётган гўшт растанига ўтдик. 500 ўринли бу раста оқил хавода жойлашганига қарамойи усти ёпилиб, атрофи ободонлаштирилган. Гарвжум мажмуада сотувчи ҳам, олувчи ҳам кўп. Кузатувимизни харидор Саид Иброҳимовни суҳбатга қорлашдан бошладик.

Шу кунни назоратчилар кўз ўнгимизда сотувчи Отабек Қўлиевдан 65 килограмм миқдордаги мол гўшти, Акрот Сатторовдан 20 килограмм кўй гўштини мутлақо истеъмолга яроқсиз деб топиб, уларни ҳужжатлаштиришди.

Гўшт растасини айлана туриб дуч келган биринчи харидор билан суҳбатлашдик: — Гўшт харид қила туриб нега уларнинг экспертизадан ўтган-ўтмаганлиги ҳақидаги ҳужжатни сўрамадингиз? — деган саволимизга Холита Жалилова шундай жавоб берди: — Чунки мен бу ердаги сотувчиларнинг ҳаммасини таниман. Уларда ҳамма шунча қозғолар борлигига ишонман.

— Кечирасиз, неча кило гўшт харид қилдингиз? — Икки кило. — Сотувчидан ушбу гўштни истеъмол қилишга яроқли эканлиги ҳақидаги сертификат қозғолини сўрадингизми? — Йўқ. Улардан шунча қозғо бўлишини билмаган эканман.

Бозордан чиқиб, Форобий кўчаси бўйлаб кетдик. 360-ўй рўпарасида кўнбола қанарага осиб қўйилган кўй гўштига кўзимиз тушди. Қасоб Носир Тўхтаев билан танишиб, ундан сотилаётган гўштининг туман ветеринария лабораторияси нazorатидан ўтган-ўтмаганлигини сўраб-суриштирдик.

Гўшт мажмуасида 27 та музлаткич мунтазам ишлаб турибди. Улардан ташқари бу ерда яна ҳар бири 800 килограмм гўшт ва сут маҳсулотни сифатдан 8 та катта музлаткич ўрнатилган. Ҳар кун 12 та фаррош мажмуада озодалликни сақлаш учун хизмат қилади. Қасоблар ҳам ўз иш жойларини тартибли сақлашга масъул қилиб қўйилган.

— Нима, мен текширувчиманми, ҳар бир нарсани сўраб суриштиравман. Менга қозғо эмас арзонгаров гўшт керак.

— Очиги, бундай ҳужжат менда йўқ, — тан олди у ўз абиини. — Лекин мен кўйни боқиб, кейин ўзим сўйганман. Гўштининг тозаллигига оз фойза қаролат берман.

Сут маҳсулотлари сотуви билан ҳам қизиқдик. Белгиланган барча ўринлар банд. Ҳар бир сотувчида алоҳида-алоҳида махсулот сифати қаролатилган ёрлик қозғолари бор. Фаридат Урмонова, Мақсуда Абдуқодирова, Фотиима Сафарова ва сингари сотувчилар ўзларига бозор маъмурияти томонидан яратиб берилган шароитдан мамнун эканликларини айтишди.

— Нима, мен текширувчиманми, ҳар бир нарсани сўраб суриштиравман. Менга қозғо эмас арзонгаров гўшт керак.

— Очиги, бундай ҳужжат менда йўқ, — тан олди у ўз абиини. — Лекин мен кўйни боқиб, кейин ўзим сўйганман. Гўштининг тозаллигига оз фойза қаролат берман.

Киссадан хисса шуки, биз қайсидир бозорни мақтаб, ўзгасини танқид қилишни мақсад қилган эмасмиз. Юқорида биз тақдорлаб ўтган камчилик, нуқсон ва ибратли ишлар шахримизнинг ҳар бир бозорига хос. Чунки барча бозорларнинг маъмурияти оқсил касаллигига қарши курашувчи зарур чора-тадбирларни қўллашмоқда. Шундай экан, биз одамларни яна бир бор ҳушёрликка қорламоқчимиз, холос. Эҳтиёт бўлинг, ўз ҳақ-ҳуқуқингизни билинг, озодалликка риоя қилинг.

— Нима, мен текширувчиманми, ҳар бир нарсани сўраб суриштиравман. Менга қозғо эмас арзонгаров гўшт керак.

— Очиги, бундай ҳужжат менда йўқ, — тан олди у ўз абиини. — Лекин мен кўйни боқиб, кейин ўзим сўйганман. Гўштининг тозаллигига оз фойза қаролат берман.

Сўнгги сўз ўрнида яна бир нарсани эслатиб қўймоқчимиз. Азиз ҳамшаҳарлар, агар сиз гўшт ва сут маҳсулотларини харид қилаётган вақтингда юқорида биз эслатиб ўтган бирон бир қоидабузарликка дуч келсангиз, албатта бу ҳақда бизга ёзиб юборинг ёки телефон орқали хабар қилинг. Бу билан сиз нафақат ўзингизни, балки ўзгаларнинг ҳам соғлигини сақлашга ёрдам берган бўласиз.

— Нима, мен текширувчиманми, ҳар бир нарсани сўраб суриштиравман. Менга қозғо эмас арзонгаров гўшт керак.

— Очиги, бундай ҳужжат менда йўқ, — тан олди у ўз абиини. — Лекин мен кўйни боқиб, кейин ўзим сўйганман. Гўштининг тозаллигига оз фойза қаролат берман.

— Очиги, бундай ҳужжат менда йўқ, — тан олди у ўз абиини. — Лекин мен кўйни боқиб, кейин ўзим сўйганман. Гўштининг тозаллигига оз фойза қаролат берман.

# Газ анжомларини назоратсиз қолдирманг!

Газдан фойдаланишда жуда эҳтиёт бўлиш кераклиги баъзи ҳамшаҳарларимиз унутиб қўётганликлари оқибатда кўнгилсизликлар содир бўлмоқда. Буни Собир Раҳимов туманида газ анжомларидан нотўғри фойдаланиш натижасида келиб чиққан ёнғинлар ҳам кўрсатмоқда.

● Шойиш кўчаси, Ҳаракат тор кўчасидаги фуқаро Х. Ақромовга тегишли 28-ўйда 2001 йил 11 январь кунини тахминан эрталаб соат 07 дан 30 дақиқа ўтганда газ печкасининг кизиб кетиши натижасида ёнғин келиб чиққан.

● Қорасарой кўчасидаги фуқаро Ш. Зуларовага тегишли 108-ўйда 2001 йил 21 январь кунини тахминан 23 ларда газ печкасининг кизиб кетиши натижасида ёнғин келиб чиққан ва натижада уй томи ёнган.

тинг ва бу масалада мутахассисларга мурожаат этинг, дейимиз. Агар ошхонада газ хидини сезсангиз чирокни ёқибдан олдин газ анжомларини ўчириб қўйинг ва ошхона дераза-эшикларини очиб хонани шамоллатинг. Шунда ҳам газ хиди чиқаётган бўлса унда дарҳол «04» телефони орқали газ идорасига мурожаат қилинг. Ёнғин чиққанидан сезсангиз дарҳол «01» телефон рақами орқали ўт-ўчирувчиларни ёрдамга чақиринг. Вақтида берилган маълумот фуқаролар ҳаётини сақлаб қолишга ва йиллаб йўқилган мол-мулкнинг бир-онда кулга айланмаслигига сабаб бўлади.

● Оқакчи тор кўчасидаги

фуқаро А. Юсуповга тегишли 86-ўйда 2001 йил 13 февраль кунини тахминан 21 дан 25 дақиқа ўтганда газ печкасининг кизиб кетиши натижасида ёнғин келиб чиққан.

Қаҳрамон ШЕРМАТОВ, С. Раҳимов тумани 4-ХЕСБ нозирини, ички хизмат катта лейтенанти.

## ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

### ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХИЗМАТИГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси раҳбарияти пойтахт ички ишлар идоралари сафларини, Республикаимизнинг мустиқлигини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг оқибатини қўллашга тайёр бўлган, билимдон, иқтидорли, жисмонан бақувват, пок ва ҳалол, ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаб келган йигитлар билан тўлдириб бориш мақсадида **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Танлов шартлари ва қоидалари**  
Тошкент шаҳар ички ишлар идоралари хизматида қуйидаги талабларга жавоб берадиган номзодлар кўрик-танлов асосида қабул қилинади:  
— Тошкент шаҳрида шахсий турар жойга эга,  
— ўрта, ўрта махсус ва олий маълумотли,  
— ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаган,  
— 25 ёшдан ошмаган,  
— буй-баста 175 сантиметрдан кам бўлмаган,  
— жисмонан бақувват ва соғлом.  
Танлаб олинган номзодлар ўрнатилган тартибда жисмоний тайёргарликдан имтиҳон, давлат ва ҳуқуқ асослари, она тили ва адабиёти, тарих фанларидан тест синовлари топиради.  
Имтиҳон ва синовларни муваффақиятли топираган номзодлар тиббий кўриқдан ўтиш учун йўланма оладилар ва уларнинг ҳужжатлари ички ишлар идоралари хизматида расмийлаштирилади.  
Ҳужжатлари расмийлаштирилган номзодлар Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг ўқув марказига, бошланғич тайёрлов курсларига ўқишга юбориладилар.  
Хизматга кириш хоҳиши бўлганлар жойлардаги туман ички ишлар бошқарма ва бўлимларига, профилактика (участка) инспекторларига ва Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Шахсий таркиби билан ишлаш хизматида мурожаат қилишлари мумкин.  
Номзодлар ўзлари билан шахсий ҳужжатларини (паспорт, ҳарбий гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги аттестат ёки диплом) олиб келишлари шарт.  
Кўрик-танлов ҳар ойда икки мартаба (ойнинг биринчи ва учинчи шанба кунлари) соат 8.00 да Тошкент шаҳар ИИББ Жисмоний тайёргарлик марказида ўтказилади. (Манзил: А. Навоий кўчаси, «Дўстлик» меҳмонхонаси ёнида).

**Мурожаат учун телефонлар: (Тошкент шаҳар ИИББ биноси) 144-61-65, 56-96-57, 56-99-42. Ички тел: 20-91, 20-98, 26-57, 29-42, 22-64. ИИББ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси 2001-2002 ўқув йили учун Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларига ўқишга ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таълим муассасалари, Академия, Ёнғиндан сақлаш олий техник мактаби, Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юрталари Тошкент шаҳрида яшовчи, ўрта умумтаълим мактаб ва лицейларнинг 11-синф ўқувчилари, ҳарбий хизматни ўтаб келган ўрта маълумотли ёшларнинг ҳужжатлари расмийлаштирилади.  
Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларининг қундузги шақли бўйича ўқиш муддати — 4 йил, сиртки ўқиш шакли бўйича ўқиш муддати — 5 йил (сиртки бўлимига ички ишлар идоралари ходимлари ўрнатилган тартибда қабул қилинади).  
Ўқишга қабул қилинувчиларнинг ёши:  
— фуқаро ёшлар учун 17 ёшдан 21 ёшгача;  
— ички ишлар идораларининг оддий ва кичик бошлиқлар таркиби, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги прарошишлар, миқчаллар, мударри ва мударридан ташқари ҳарбий хизматчилар, заҳирга чиққан ҳарбий хизматда мажбур шахслар учун — 23 ёшгача.  
Номзодларнинг ёши ўқишга қабул йилининг 1 сентябрга қадар ҳисобланади.  
2. Академия ва Ёнғиндан сақлаш олий техник мактабига:  
— фуқаро ёшлар ҳамда ички ишлар идораларининг оддий ва кичик бошлиқлар таркиби ходимлари учун — 17 ёшдан 25 ёшгача.  
Номзодларнинг ёши ўқишга қабул йилининг 31 декабрга қадар ҳисобланади.  
Академияга ақратилган кириш ўринларининг 10 фоизига қадар **турмушга чиқмаган қизлар** қабул қилинади.  
Қизлар учун танлов алоҳида ўтказилади.  
Ўқишга киришчи ўғил болаларнинг буйи 170 сантиметрдан, қизларнинг буйи эса 160 сантиметрдан паст бўлмаслиги шарт.  
Номзодлар ўзлари билан паспорт, қақирув ёки ҳарбий гувоҳнома ҳамда маълумоти тўғрисида ҳужжатларини олиб келишлари шарт.  
**Манзил: Тошкент шаҳри, С. Азимов (ЖУКОВСКИЙ) кўчаси, 87. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси биноси. Мурожаат учун телефонлар: 144-61-65, 56-96-57, 56-99-42. Ички тел: 22-64, 26-57, 20-91, 29-42.**  
**ИИБ Ёнғиндан сақлаш олий техник мактабига ўқишга номзодларни қабул қилиш ва расмийлаштириш Тошкент шаҳар Ёнғиндан сақлаш Бошқармаси томонидан олиб борилади. Мурожаат учун телефонлар: 144-10-20, 34-51-86. Тошкент шаҳар ИИББ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати**

### «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд қувларни, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларинида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

**Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.**  
**МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-ЎЙ, 2-КАВАТ, 204-ХОНА.**



**Бoш мурхорир Ақил АҚРОМОВ**  
Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32  
**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

**Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.**  
Нашр кўрсаткичи — 209  
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.  
Қозғо бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.**  
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-ўй.